


## ТЎРАҚЎРҒОНДА ТЎХТАМА...

***Тўрақўрғонда етти ёшдан етмиш ёшгача ҳашарга чиққан, йўл ёқаларига гул, кўчат ўтказиш, тозалик, ободончилик ишлари авжига минган бир пайт эди.***

Ҳамманинг қўлида ё сатил, ё чўлтоқ супурги... Кимдир кўчат эккан, кимдир дарахтларни бутаган, яна кимдир оқлаган. Игна тушгулик жой йўқ - ҳаммаёқда одам. Одамлар сафарбарликка шошилган.

Худди шундай кунларнинг бирида шоир Садоий Тошкент сафарини ихтиёр қилди. Кексалик-да, шаҳардан чиқар-чиқмас тўхтаб "ҳордиқ" чиқаришни истаб қолди.

Садоий ҳайдовчисига тайинлади.

-Бирор қулай жойда "араванг"ни тўхтат, болам, дам олиш лозим кўринади...

Ҳайдовчи шитоб билан бораётган машинага тормоз босди. Ишнинг қизғинлигидан ҳовлиққан Садоий:

-Зинҳор-базинҳор Тўрақўрғонда тўхтай кўрма, болам! Тағин, бирортаси бизниям бирорта қари дарахтга менгзаб, уёқ-буёғимизни буталаб, оқлаб ташламасин! – деди ҳовлиқиб.

**Али ЗИЁД**

## АШУРАЛИ ҒИЖЖАКЧИ

***Ашурали ғижжак сотиб олди-ю, тинчи бузилди. Қайданам орзу қила қолди шу ғижжак чалишни. Энди бўлса сира дам ололмайди.***

Ишдан ҳориб қайтади-да, бирпас ором олиш учун чўзилгач, ғижжакбозлик бошланади. Бир эмас, етти ўғил навбатма-навбат ғижжакни ғийиллатгани ғийиллатган. Дуруструқ куй чалишса, қанийди. Бошини кўрпага буркаб олган хонадон соҳиби гоҳ ўзини сўкади, гоҳ ҳар йили туғадиган хотинини. Болалар бўлса...

Охири бўлмади. Жаҳл отига минган Ашурали болаларини олдига ўтқазиб қўйиб, ғижжакни қўлига олди. Ўғиллар аввалига оталарининг куй чалишига қизиқиб, бироз жим туришди. "Куй" чўзилавергач, зерикиб эснай бошлашди. Ашурали бўлса, шошилмас, қочмоқчи бўлган ўғилларини мажбурлаб, жойига ўтқазарди. Ота ва болалар иштирок этган ғижжак жўрлигидаги концерт узоқ давом этди. "Мириқиб" куй тинглаган болалар куй тўхташи билан ғижжакка нохуш бир қараб қўйишди-да, бир зумда ғойиб бўлишди.

Ҳозир ғижжак меҳмонхонада турибди. Унга ҳеч ким тегмайди. Фақат онда-сондагина болалар тўполон қилишиб, жонига тегиб кетишганда, Ашурали ғижжагини қўлига олади...

**Сайфулла ИКРОМОВ**

## РАЙИМ НАЙНОВ

***Райим чопиб келди-ю, шоша-пиша кўча четида турган машиналарнинг бирига ўтирди.***

-Ҳайданг, ака, - деди у ҳайдовчига.

-Қаерга? – деди "такси"чи ҳайрон бўлиб.

-Қаерга бўларди, уйга-да, ака, уйга!

-Э-э, қизиқ экансиз, мен қаёқдан биламан сизни уйингизни?..

Райим найнов туман марказидан киракаш йигит билан шу аснода ғижиллашиб йўлга тушди. У тинмай соатига қараб қўяр, кейин: "Тезроқ, ака, тезроқ. Бу имиллаб ҳайдашингизда улгуролмаймиз-ов", деб қўярди.

Уйга етиб келишди. Райим найнов машина эшигини зарб билан очди-ю, ташқарига отилди. Югуриб кета-кета ёнидан сопли пичоқ чиқаргандай бўлди. Киракаш йигит ҳайронликдан "бақа" бўлиб қолганди. Боз устига, мижоз кира пулини тўлашни ҳам унутди, шекилли.

Бироз ўтиб, ичкаридан уст-боши ва қўлидаги пичоғи қон Райим кўринди. "Такси"чи йигит Райимни кўрди-ю, қандай қилиб моторни ўт олдирганини ҳам, рул чамбарагини қай йўсинда катта йўлга тўғрилаб олганини ҳам билмай қолди...

Эртасига Райим туман марказига тушди. "Такси"чи йигитни топди. "Ҳўкизларимнинг бири беда еб дамлаб ётувди, шуни бир ёқли қилиб чиқсам, азройилни кўргандай қочасан, ма, пулинг", деди-ю ортга бурилди. "Такси"чи унинг қўлидан пулни қўрқиброқ олди...

**Фазлиддин АБИЛОВ**

## СОДДАДИЛ БОБО

***Тоғ кўчиб, Зарафшон дарёсини тўсиб қўйганмиш, сув тобора кўпроқ тўпланаётганмиш, тўсиқ бирдан ювилиб кетса, ҳамма жойни сув босармиш...***

Аслида бу гапларда жон бор эди. Фавқулодда юз берган табиий қалтис вазият ҳаммани ташвишга қўйганди. "Эчкига жон қайғуси, қассобга ёғ", деганларидек, таҳликали дамлардан ўз фойдаси йўлида фирибгарлик қилганлар ҳам бўлди.

Ўша кезларда кишлоқда катта юк машинаси пайдо бўлади. Икки-уч киши билагида қизил лента боғлаган, қўлларида дафтар-қалам одамларнинг исми шарифларини ёзиб, асл, қимматбаҳо буюмларини йиға бошлайди. "Мабодо фалокат юз берадиган бўлса, сизларни хавфсиз жойга кўчирамиз, ўшанда мулкларингиз қайтариб берилади", дейишади. Биров гиламини, кимдир тикув машинасини, бошқаси тўққизлиги тугилган бўхчасини юклаб бераверишди. Аммо Ҳамид бобо анча пишиқ чиқиб қолди. "Ўзим эплайман", деб ҳеч нарсасини бермади.

Қўшнилар зимдан кузатишса, бобо ҳовлисида ёғочу, тахталардан накд супадек сол (сувда сузувчи чорпоя деса ҳам бўлаверади) ясаган экан. Тоза буюмларини ортиб, чандиб боғлаб ҳам қўйганмиш. Ҳатто ёнбошлаб чой ичиб кетаверaман, деб ўйлаган шекилли, эски қумғонни ҳам унутмабди...

**Ўктам ҚУРБОНОВ**

## АВВАЛ ЎЗИНГГА БОҚ...

***Кутилмаганда мактаб директори Сайдазим Холдоровнинг бир "айби" очилиб қолди. У дўхтирлар билан пинҳона тил бириктириб, уч-тўрт нафар муаллима аёлларни ёлғондан "туғруқ таътили"га чиқарган ва уларнинг номига анча-мунча пул олиб ўзлаштириб юборган экан.***

Бечора эл-юрт олдида юзи шувут бўлиб, кулгига қолгани етмагандай, кунда-кунора прокуратурага қатнаб сўроқ ҳам бериб юрарди. "Ўз ўрнини тортиб олган" Холдоровга нисбатан ичида кек сақлаб юрган собиқ директор Эсиргадиевга бу воқеадан сўнг худо берди. Ҳозирда оддий ўқитувчи бўлиб ишлаётган Эсиргадиев мактабда ҳам, кўча-кўйда ҳам нуқул Холдоровни ғийбат қилар, "бунақа нон егунча одамнинг ҳар нарса бўлгани яхши", дея маломат қиларди.

Холдоров ҳам орқаворотдан бу гапларни эшитса-да, ноилож тилини тишларди. Қайтанга "зора овозини ўчирса", деган илинжда унга хушомад қилар, ойликлар кечиккудек бўлса, Эсиргадиевникини ўз чўнтагидан бўлса ҳам вақтида бериб турарди.

Аммо прокуратурага галдаги сўроққа бориб келган Холдоров тўғри "рақиби"нинг устига бостириб борди.

-Ҳали сенми мени ғийбат қиладиган?! – дея бақирди унга. - Ўзингни оппоқман деб юрибсанми? Энди прокуратурага бориб, директорлик пайтингда одамларга нечта аттестат сотганингни тушунтириб берасан!

Холдоров шундай дея бир парча қоғозни унинг башарасига қарата отди. Туман прокуратурасидан ўзининг номига юборилган чақирув қоғозини кўриб, Эсиргадиевнинг қўрқувдан эси оғиб қолаёзди...

**Ғ. ЭШМУРОДОВ**

# ЯРАШУВЧИЛИК - ЎЗБЕКЧИЛИККА МОНАНД

(Боши 1-бетда)

Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ олтинчи сессиясида "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан жиноят, жиноят-процессуал ҳамда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги 2001 йил 29 августда қабул қилинган қонун суд-ҳуқуқи соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарди. Юқорида номи зикр этилган қонун асосида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси $66^1$**-модда (ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш), жиноят-процессуал кодекси эса 62-боб (ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритиш) билан тўлдирилди. Қонунчиликка киритилган ушбу ҳуқуқий институт, авваламбор, ҳаётий зарурат тақозоси, миллий қарашларимизнинг, руҳиятимизнинг ҳуқуқий инъикоси бўлиб, қонунчилигимиздаги мавжуд кемтикка барҳам берди ва бир қатор нохушликлар олдини олди. Сабаби, ўзбек халқи маънавиятида бағрикенглик ва кечиримлилик энг олий қадриятлардан саналади. Шу боисдан ҳам ҳаётда юзага келган ўзаро низолар кечириш ва ярашув орқали ҳал қилинади.**

Ярашувнинг ижобий томони шундаки, жабрланувчи ва ҳуқуқбузар ўртасидаги низони жиноий жазо қўлламасдан ҳуқуқбузарни, жамиятдан ажратмаган ҳолда тузатиш имконини беради. Эндиликда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси $66^1$-моддасида кўрсатилган жиноятлар содир этилиши оқибатида ҳуқуқи бузилган шахслар ҳуқуқбузарни жавобгарликка тортиш ёки тортмаслик масаласини шахсан ўзи ҳал қилади. Ярашганлик муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш республикамиз Жиноят кодекси махсус қисмининг 26 та моддаси билан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал қонунчилигига мувофиқ ярашув муносабати билан жиноят ишини тугатишга қўйиладиган талаблар қуйидагилардан иборат:

-биринчидан, шахснинг ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этганлиги;

-иккинчидан, жиноят содир этилганидан кейин етказилган зарарнинг тўла бартараф этилиши;

-учинчидан, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлиши;

-тўртинчидан, жиноятни фош этишга фаол кўмаклашиши.

Ушбу асосларга биноан суд айблилик ҳақидаги масалани ҳал қилмасдан туриб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддаси 4-қисми 2-бандига асосан жиноят ишини тугатиши мумкин. Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритиш тартиби Жиноят-процессуал кодексининг 62-бобида ўз аксини топган бўлиб, ушбу бобда ярашув тўғрисидаги ишларни судга бериш, суд томонидан ушбу ишларни кўриш ва ҳал қилишга оид муҳим қоидалар ўз ифодасини топган.

Ярашганлиги муносабати билан жиноят ишини тугатиш учун суриштирув ва дастлабки терговнинг, шунингдек, суд муҳокамасининг исталган босқичида, лекин суд маслаҳатхонага киришидан олдин ёзма шаклда ариза берилиши мумкин. Ярашув тўғрисидаги иш юритиш масаласини қўзғатиш учун ариза бериш ҳуқуқига қонунда белгиланган тартибда жабрланувчи (фуқаровий даъвогар деб эътироф этилган шахс) ёки унинг қонуний вакили эгадир. Ишда жабрланувчи билан бир вақтда фуқаровий даъвогар ҳам қатнашган ҳолларда ярашув тўғрисидаги ишни бошлаш учун жабрланувчи ҳам, фуқаровий даъвогар ҳам тегишли ариза берган бўлишлари лозим. Агар ишда бир неча жабрланувчи иштирок этаётган бўлса, уларнинг барчаси билан ярашувга эришилган тақдирдагина ярашув тўғрисида иш юритиш мумкин. Акс ҳолда жиноят иши бўйича иш юритиш умумий асосларда олиб борилади. Шуни таъкидлаш керакки, қонун аризанинг мазмунига нисбатан муайян талабларни қўяди. Жумладан, аризада етказилган зиён бартараф этилгани, шунингдек, ярашилганлиги муносабати билан жиноят иши бўйича иш юритишни тугатиш тўғрисидаги илтимос кўрсатилган бўлиши шарт.

Жиноят процессуал қонуни ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд зиммасига алоҳида мажбурият юклаган бўлиб, улар жабрланувчи (фуқаровий даъвогар)ни, уларнинг қонуний вакилларини ярашув суд томонидан тасдиқланиши оқибатлари ҳақида (бундай ҳолда улар мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш ҳуқуқидан маҳрум бўлади) тушунтириши шарт. Ушбу қонуний талабга риоя қилмаслик ярашув тўғрисида чиққан қарорнинг бекор қилинишига асос бўлиши мумкин. Жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) фақат биринчи инстанция суди маслаҳатхонага киргунга қадар гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи билан ярашишдан воз кечишга ҳақли. Ушбу тоифа ишлар ҳақидаги қонун нормалари тезкорлигини таъминлаш, гумон қилинувчи, айбланувчи ва жабрланувчи (фуқаровий даъвогар)нинг ҳуқуқларини муҳофаза этиш мақсадида ярашув тўғрисидаги иш бўйича қарор чиқариш ва ишни судга юбориш учун қонунда ўн кунлик муддат белгиланган.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) ёки унинг қонуний вакилининг ярашув тўғрисида аризасини олгач, етти суткадан ортиқ бўлмаган муддатда гумон қилинувчи, айбланувчининг розилиги билан ишни судга юбориш тўғрисида қарор чиқаради. Иш қарор чиқарилганидан кейин уч суткалик муддат ичида прокурорнинг розилиги билан судга юборилади. Ушбу муддат жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) томонидан ариза берилган кундан бошлаб ҳисобланади. Агар ариза жиноят иши қўзғатилгунга қадар берилган бўлса, унда бу муддат жиноят ишининг қўзғатилган кунидан бошлаб ҳисобланади. Башарти ариза берилган вақтда жиноят иши бўйича қилмишнинг Жиноят кодекси $66^1$-моддасида кўрсатиб ўтилган жиноят таркибларидан бирини ташкил этиш-этмаслик масаласи ҳал этилмаган бўлса, аризани кўриб чиқиш муддати қилмишни квалификация қилиш учун етарли асослар топилган кундан бошлаб ҳисобланади.

Ярашув тўғрисидаги ишлар юзасидан суд муҳокамаси иш судга келган вақтдан эътиборан ўн суткадан кечиктирмай ўтказилади. Ярашув тўғрисидаги ариза суд мажлисида берилган ҳолларда бу масала суд мажлисида дарҳол кўришга киришилади. Суд мажлисида гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи (фуқаровий даъвогар), уларнинг қонуний вакиллари, ҳимоячилари, прокурор иштирок этади. Бироқ, суд иш юзасидан қонуний, асосли ва адолатли қарор чиқариши учун зарур моддаларда бошқа шахсларни ҳам жалб қилиши мумкин.

Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан жиноят, жиноят-процессуал кодексларга киритилган ушбу ҳуқуқий институт суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг амалий натижасидир.

**Мақсуд ПЎЛАТОВ,**
**ТДЮИ "Жиноят процесси" кафедраси тадқиқотчиси.**

# ОЗОН ҚАТЛАМИНИ АСРАШ КЕРАК

(Боши 1-бетда)

У маҳсулот таркибида озон қатламини емирувчи модда йўқлигини, шунинг учун атирни ишлаб чиқарган компания ана шу белгини қўйганлигини айтди. Бу масала давлат назоратида бўлиб, бундай белгини қўйиш ва унга амал қилиш уларда мажбурий ҳисобланаркан. Чунки, айрим атир-упа маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар ишлаб чиқаришда тақиқланган моддалардан фойдаланишаркан-да. Бу эса озон қатламига ўз таъсирини кўрсатиб, унинг борган сари емирилишига олиб келаркан...

Озон қатлами ҳақида эшитганимиз, китоблардан ўқиганимиз бор. У еримизни коинотдан кириб келадиган ультрабинафша нурлари ва космик радиациялардан ҳимоя қилади. Унинг кенгайиб бориши эса инсониятга катта офатларни, турли хилдаги иқлим ўзгаришларини олиб келади. Афсуски, одамзотнинг ножоиз хатти-ҳаракатлари туфайли бугун бу ҳам катта муаммолардан бирига айланди. Озон қатламининг емирилишига асосий сабаб, унга таъсир этувчи воситалардан фойдаланишдир. Маълумотларга қараганда, озон ҳимоя қатламини ёриб кираётган ултьтрабинафша нурларининг таъсирида ҳар йили 500 мингга яқин америкалик тери касаллигига чалинаётган экан. Агарда ана шундай нурларнинг икки фоизигина озон қатламини ёриб кирса, дунё аҳолисининг қарийб олти фоизи тери касаллигига гирифтор бўлиши мумкин.

Шу боис, озон қатламини асраш масаласига дунё ҳамжамияти катта эътибор қаратган. Бу борада Вена конвенцияси ҳамда Озон қатламини бузувчи моддаларга доир Монреаль протоколи мавжуд бўлиб, республикамиз унга 1993 йилда қўшилган эди. Орадан бир мунча вақт ўтди. Хўш қилинган ишлар сарҳисобга арзийдими?

–Очиғини айтиш керак, 1998-1999 йилгача ратификация қилинган қоидаларга риоя қилолганимиз йўқ, - дейди Республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси вазифасини бажарувчи Б.Алихонов.– Бунга иқтисодий қийинчиликлар сабаб бўлганди. Аммо кейинги тўрт йил ичида муайян ишлар амалга оширилди.

2000 йил 24 январда Вазирлар Маҳкамасининг "Озон қатламини ҳимоя қилиш соҳасидаги шартномалар бўйича Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларни бажариш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди ва озон қатламини бузувчи моддалардан фойдаланишни тўхтатишга доир Миллий дастур маъқулланди. Озон қатламига хавф солмайдиган муқобил моддаларни, хусусан, маҳаллий суюлтирилган углеводлардан олинадиган моддаларни амалиётга жорий этишга қаратилган илмий-тадқиқот ишлари қўллаб қувватланмоқда. "Совутгич омилларни излаб топиш ва қайта ишга солиш бўйича миллий дастур" ҳамда "Сино" масъулияти чекланган акциядорлик жамиятида хлорфторли углеродлардан фойдаланишни тўхтатиш" инвестициявий лойиҳаларининг бажарилиши доимий назоратга олинган. Мазкур лойиҳалар озон қатламини бузувчи моддалардан йиллик фойдаланишни 88 тоннага камайтириш ва экспортга мўлжалланган маҳсулотлар – маиший совутгичларнинг янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш имкониятларини яратди. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, Монреаль протоколи бандларига киритилган Монреаль ва Пекин тузатишлари республикамиз парламенти томонидан ҳозирча ратификация қилинмаган. Бироқ бу масалада умумий ҳолат қониқарли даражада.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси билан Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг ўтган ҳафтада бўлиб ўтган қўшма йиғилишида ҳам мана шу масалалар муҳокама қилинди. Йиғилишда республикамизда бу борада олиб борилаётган ва келгусида қилиниши лозим бўлган вазифалар хусусида келишиб олинди. Очиғини айтиш керак, икки қўмита ҳамкорлигидаги қўшма йиғилиш анчайин мунозарали тарзда ўтди.

**Шавкат ОРТИҚОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**



**Жомбой туман ҳокимлигининг меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими кўпгина фуқароларга кўмак бериб, уларнинг мушкулини осон қилмоқда. Ўтган вақт давомида ушбу бўлимда ишловчи ходимларнинг жонбозлиги туфайли 2115 киши ўз мутахассислиги ва касб-корлари бўйича турли ташкилот ва корхоналарга ишга жойлаштирилганлиги ҳам шундан далолат беради.**

**СУРАТДА: бўлим бошлиғи Р.Ўринов ҳамкасби Н.Ҳасанова билан галдаги режалар ҳақида маслаҳатлашмоқда.**

Н.АЛМУРОДОВ олган сурат.



# ПАНЖАРА ОРТИГА ЭЛТАЁТГАН ҲОЮ ҲАВАС

(Боши 1-бетда)

Нега бу ҳол юз берди? Унинг сабаби нимада? Одамлар савдоси муаммоси муҳожирлик ўсиб бораётганлиги билан боғлиқликда кўриб чиқилиши лозим. Муҳожирлик деганда аҳолининг давлат чегарасини кесиб ўтиши орқали ўз турар жойларини ўзгартириши тушунилади. Маълумотларга қараганда, жаҳон бўйича 125 миллион киши ўзи фуқаро бўлган мамлакатдан ташқарида истиқомат қилади.

БМТ Бош котиби Кофе Аннаннинг таъкидлашича, албатта, одамларнинг ўз имкониятларини тўла ишга солиш мақсадида, турли соҳаларда муваффақият қозониш учун бошқа мамлакатларга боришининг ҳеч ёмон жойи йўқ. Муҳожирликдан нафақат бой, балки камбағал мамлакатлар ҳам манфаат кўришмоқда. Масалан, 2002 йилда муҳожирлар ўз мамлакатларига 88 миллиард доллардан кўпроқ миқдордаги маблағ киритишган. Бу кўп ёки оз эканлигини таққослаш учун яна бир рақам келтирамиз. Тараққий этган давлатлар ривожланаётган мамлакатларга ёрдам сифатида ажратаётган жами маблағ бир йилда 57 миллиард долларни ташкил этади.

Муҳожирликнинг энг салбий оқибати одамларнинг сотилиши билан боғлиқдир. Одамларнинг сотилиши деганда аёлларнинг фоҳиша, эркаклар ва болаларнинг ёлланма ишчи сифатида ишлатилиши назарда тутилади.

Дунёда муҳожирлар сонининг ортиб бораётганлигини мутахассислар қуйидаги сабаблар билан изоҳлашмоқда. Биринчидан, ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида барқарорликнинг бўлмаганлиги аҳоли айрим гуруҳларининг вакилларини иш ва фаровон ҳаёт илинжида хорижга боришга ундамоқда.

Иккинчидан, баъзи минтақалардаги этник қарама-қаршиликлар ҳам муҳожирлар сониннг кўпайишига олиб келмоқда.

Учинчидан, уйдаги зўравонлик, оилавий можаролар аёллар ва болаларинг четга чиқиши омилига сабаб бўлмоқда.

Тўртинчи ва таъсирчан омиллардан бири хориждаги ҳаёт, у ерда ишлаш ва пул топиш хусусидаги нотўғри маълумотлардир. "Четга чиқсам турмушим яхшиланади", деган тушунча айримлар онгига чуқур сингиб борган. Шундан бўлса керак, хорижга иш қидириб кетаётган аёлларнинг бир қисми фоҳишахоналарга тушиб қолганлиги, зиндонларда ўтирганлиги, эркакларнинг қул сифатида ишлатилаётганлиги ҳақидаги юзлаб, минглаб мисолларнинг таъсири деярли кўринмаяпти.

"Кимдир қулликка тушибди, лекин менга бунинг хавфи йўқ". Хорижга кетаётганларнинг аксарияти ана шу фикрда. Чунки улар ҳақиқий аҳволдан хабардор эмас. Аёллар туристик фирмаларнинг даъватига учиб ёки ёлловчи даллолларнинг хорижлик зодагонлар болаларига энага, тарбиячи, у ердаги қариялар учун хизматкор керак, деган эълонларига ишониб, чет элларга кетиб қолишмоқда.

Самарқанддаги «Аёл» маркази Бирлашган Араб Амирликларида бўлиб қайтган хотин-қизлар орасида сўров ўтказганда, улардан аксарияти фоҳишалик билан шуғулланганлигини тан олган.

Халқаро муҳожирлик ташкилотининг «Марказий Осиёда одамлар савдосига қаршилик кўрсатиш» лойиҳасининг мувофиқлаштирувчиси Нодира Каримованинг уқтиришича, кейинги бир ярим йил ичида мамлакатимиздан иш қидириб борган 12 нафар аёл хорижий давлатлар қамоқхоналаридан озод этилган. Бу – давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлари натижасидир. Аёлларнг 4 нафари Таиландда, 6 нафари БААда ва 2 нафари Малайзияда ҳибсда ушланганлар.

Айрим аёлларнинг яширинча йўл билан, сохта ҳужжат асосида ўзга давлат ҳудудига кириб борганлиги, фоҳишалик билан шуғулланаётганлигининг ўзи қонунбузарлик бўлишига қарамасдан, улар яна бошқа ўта хавфли жиноятларга қўл уришмоқда. Масалан, Таиландга гиёҳванд моддалар олиб киришга уринган икки нафар аёл ҳамюртимиз қўлга тушиб, бири 25 йил, иккинчиси 35 йилга озодликдан маҳрум этилган. Нега улар бу йўлга киришган, гиёҳванд моддани қаердан олишган, деган фикр ўқувчининг хаёлига келган бўлиши мумкин.

Гап шундаки, тегишли мамлакатга етиб келганларнинг паспорти ва бошқа ҳужжатларини ёлловчилар турли баҳоналар билан (меҳмонхона ёки ишга жойлаштириш учун ҳужжатларни расмийлаштириш ва ҳоказо) олиб қўйишади. Бу — ўзлари хоҳламаган ишларни бажаришга мажбур этишнинг самарали йўли ҳисобланади. Бегона юртда на тилни билган, на қонундан хабардор бўлган одам боз устига ҳеч қандай ҳужжатсиз нима қилишини билмайди.

Таиландда қамоққа олинган икки аёлнинг бошига шу ҳолат тушган. Улар ўзларини қўйиб юборишни сўраб илтижо қилишганда, хўжайинлари улар учун катта пул сарф қилганлигини, агар ўша пулни топиб беришса, тўрт томони қибла деб кетаверишини уқтиради. Лекин у аёлларда пул қаёқда дейсиз. Шунда хўжайин аёллардан қўшни мамлакатда тайёрлаб қўйилган юкни у ердан келтириб беришларини сўрайди. Улар ноилож рози бўлишади. Ишнинг нима билан тугаганлиги ўзингизга равшан.

Тошкентдаги «Сабо» аёллар ва болаларни қўллаб-қувватлаш марказининг «Факт» ижтимоий тадқиқотлар агентлиги билан ўтказган текширишлари хорижга кетаётган аёллар сонининг ортиб бораётганлигини, улардан аксарияти ҳамдўстлик давлатларига кетаётганлигини, ушбу аёллар ёшининг пасайиб бораётганлигини кўрсатди.

Ушбу иккита нодавлат нотижорат ташкилоти (ННТ) ўзлари ўтказган тадқиқотларига таяниб, аёллар савдосига сабаб бўлаётган қуйидаги омилларни кўрсатиб ўтишади: аёллар хабардорлиги даражасининг пастлиги; чет элга чиқишнинг енгиллиги; аҳолининг айрим қатламларида қадриятларнинг ўзгарганлиги; баъзи бир давлатларнинг бу муаммога панжа орасидан қараши; аёлларнинг виза олиши эркакларга нисбатан енгилроқ эканлиги; давлат тузилмалари, ННТ, халқаро ташкилотларнинг одамлар савдосининг олдини олишга қаратилган ҳаракатининг сустлиги ва бошқалар.

Одамлар савдосига қарши курашиш ва бу йўлда муваффақиятга эришиш осон кечмаслиги аксариятга аён. Чунки бу ишнинг ортида ундан катта манфаат топаётган кучлар турибди. БМТ мутахассисларидан бири бу хусусда фикр билдириб, шундай деган эди: "фоҳишахоналардан фойдаланишдан келадиган даромад ўта юқори, харажатлар ниҳоятда паст".

Бундан ташқари, одамлар савдосига айрим давлатлар панжа орасидан қараётганлигида ҳам гап бор. Шу орқали улар арзон ишчи кучидан фойдаланиш имкониятига эга бўлишмоқда. Украиналик журналист Антон Топчий келтирган маълумотларга кўра, фақат Португалиядаги қурилишларда унинг 30 минг нафар юртдошлари яширинча ишлаётган экан. Яна украиналик аёллар Италиядаги социал масалани ечишга ҳисса қўшганлар. Улар қариб қолган италияликларга қарашаётган экан. Бу ишга унча катта ҳақ тўланмаслиги учун шу вақтгача мамлакатнинг ўзидан бу ишни бажариш учун хоҳловчиларни топиш оғир бўлган.

Юзага келган вазиятдан чиқиш учун мутахассислар турли тавсияларни ўртага ташлашмоқда. Ўзбекистонда Халқаро муҳожирлик ташкилотининг ваколатхонасини очиш, аҳоли орасида мунтазам иш олиб бориш ва хабардорлигини ошириш, ушбу муаммога дахлдор бўлган халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, одамлар савдосининг олдини олишга қаратилган дастур қабул қилиш, бу йўналишда олдинроқ иш бошлаган давлатлар тажрибасини ўрганиш ана шулар жумласидандир. Энг муҳим вазифалардан бири давлатлараро ва маҳкамалараро алоқани кучайтириш саналади.

Ўтган йилдан бошлаб мамлакатимизда одамлар савдоси муаммосига эътибор кучайтирилди. Тегишли ташкилотлар ходимлари билан семинарлар ўтказилди. Уларда одамлар савдосининг олдини олиш ҳамда чиройли ва фаровон ҳаёт излаб, қуллик домига тушиб қолганларга қандай ёрдам кўрсатиш масаласи муҳокама этилди. Бу борада Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Тошкентдаги маркази фаоллик кўрсатмоқда. Ушбу марказ эксперти Пэр Нурмарк ушбу иш икки йўналишда олиб борилаётганини таъкидлади. Биринчиси, аҳоли орасида тегишли ахборотни тарқатишдан иборат бўлиб, бунда ННТ билан ҳамкорлик қилинмоқда. Иккинчиси, давлат тузилмалари, жумладан ҳуқуқ тартибот органлари ходимларини ўқитишни ўз ичига олади.

Айни пайтда мамлакатимизда Халқаро мухожирлик ташкилотининг "Марказий Осиёда одамлар савдосига қаршилик кўрсатиш" лойиҳаси амалга оширилмоқда. Лойиҳага кўра, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Нукус, Жиззах, Термиз, Андижон шаҳарларида махсус телефон хизмати ташкил этилган. Хорижга чиқиш ниятида бўлган ҳар бир киши тегишли ННТга мурожаат этиб, ўзи бораётган давлатдаги шарт-шароитлар ҳақида маълумот олиши мумкин. Шунингдек, лойиҳа чет элда қийин аҳволга тушиб қолган аёлларни юртимизга қайтариш, уларни руҳий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, одамлар савдосига дахлдор айбдорлар ишини ҳуқуқ тартибот органларига етказиш, ушбу масалага тегишли барча маълумотлар билан аҳолини хабардор қилишни ҳам ўз ичига олади.

Амалга ошириладиган ана шу ишлар ўзининг ижобий натижасини кўрсатади деган фикрдамиз.

**Тошпўлат РАҲМАТУЛЛАЕВ,**
**журналист.**

# ТАҚВИМЛАР ЗАМИРИДАГИ СИНОАТ

**(Боши 1-бетда)**

Бунга қандай қилиб эришгани, албатта, орадан қанча асрларни қаритган вақт измида дунёқараши мутлоқ ўзгарган давримиз кишиларининг ҳайратини шоширади.

Масалан, оддий мисол: одамзот йилларни қандай қилиб ҳисоблаган? Йилнинг ойга, кунга бўлинишини-чи? Дейлик, бир кунни қандай аниқлашган? Бир ойни-чи? Бир йилни-чи?

Қизиқ, Ернинг ўз ўқи атрофида бир марта айланиши бир кеча кундуз – бир кун деб белгиланган. Бу 24 соатга тенг бўлиши тусмолланган. Ойнинг эса Ер атрофида айланиб чиқишини бир ой деб ҳисобга киритганлар. Бир ой 29 кун 12 соат 44 секундга тенг келади. Хўш, шундай экан йил қандай ҳисобланган? Ернинг Қуёш атрофида бир марта айланиши – бир йил бўлади, деб белгиланган. Аждодларимиз бир йилни 365 кун 5 соат 48 минут ва 46 секундга тенг, деб қарашган. Бу ҳисоб-китобга қойил қолиш керак. Ҳозир ҳам худди шу қадимий ҳисоб-китоб ўз кучини йўқотмаган.

Аммо йил ҳисобларини олиб бориш фақат юқоридаги рақамларга боғлиқ бўлмаган. Йил ҳисобини олиб боришнинг ҳаммани қаноатлантирадиган жавоби топилганича йўқ... Чунки ой ҳам, йил ҳам бутун кунлардан иборат эмас-да.

Энди дунё олимларининг бу борадаги яхлит фикрларига эътибор қаратайлик. Мазкур қарашларнинг негизини ташкил қилган – "BOLALAR ENSIKLOPEDIYASI"га кўз югуртирамиз. Яъни, бундан 2 минг йил аввал Европа ва Ўрта Шарқда йил 365 кун деб қаралган. Милоддан аввалги 46-йилда Рим подшоси Юлий Цезар (июл ойи унинг шарафига қўйилган) йил 365 куну 6 соат бўлсин, шунда ҳар 4 йилнинг 3 йили 365 кундан, 4 йили 6 соатдан йиғилиб, 24 соат, яъни яна бир кун қўшилиб, 366 кун бўлади, деб янги йил ҳисобини бошлаб берган. Шунда ҳар йили хатолик 11 минуту 14 секундни ташкил қилади. Ҳар 128 йилда эса бу рақамлар бир кун бўлиб йиғилар экан. Бу Юлий (ёки юлиан) тақвими (календари) дейилади. Орадан 16 аср ўтгандан кейин бу хатолик, яъни фарқ 10 кунни ташкил этди. Рим папаси Григорий XIII бу фарқни тузатиш учун 1582 йилнинг 4 октябри - пайшанбадан кейинги кунни 5 октябр эмас, 15 октябр, жума деб ҳисоблансин, дея буйруқ берди. Тақвим тўғриланди.

Бундан ташқари яна бир йил ҳисоби дунёда машҳур. У бобокалонимиз Умар Ҳайём томонидан ишлаб чиқилган. Унга биноан ҳар 33 йилда 8 марта кабиса йили (4, 8, 12, 16, 20, 24, 28, 33-йиллар), 25 марта оддий йил бўлади. Шунда ҳар 4200 йилда бор-йўғи бир кунга хато кетамиз. Қаранг, улуғ шоир Ҳайём ишлаб чиққан йил ҳисоби Григорий тақвимидан ҳам аниқроқ! Лекин, бу йил ҳисоби ҳозир фақат Эронда қўлланилади.

Хўш, йилнинг биринчи куни деб қайси кун олинади? Аввал турли мамлакатларда йилнинг биринчи куни турлича бўлган. Масалан, Европада 1 январ ҳам, 21 март ҳам, 1 март ҳам йил боши ҳисобланган. Исроилда йил боши сентябр-октябр ойларига тўғри келарди. Россияда йилнинг биринчи куни 1 март бўлган, уни Пётр I 1 январга кўчирган. Кўпчилик шарқ мамлакатларида йил боши 21 март, баъзиларида (масалан Эронда) ҳозир ҳам шундай.

Бундан ташқари, христиан черкови йилни Исо пайғамбарнинг туғилган кунидан (2000 йил аввал) бошлаб ҳисоблаган (Григорий тақвими). Мусулмон давлатларида қабул қилинган йил ҳисоби аниқ тарихий воқеа – Муҳаммад пайғамбарнинг ўз саҳобалари билан бирга Маккадан Мадинага кўчган йили (622 йил) нинг баҳорги тенглик кунидан (21 март)дан бошланади. Буни ҳижрий шамсий йил ҳисоби дейилади.



Кўпчилик мусулмон мамлакатларида шамсий йил ҳисоби билан бир қаторда Ойнинг Ер атрофида айланиш вақти асос қилиб олинган ой йил ҳисоби ҳам қўлланилади. Астрономия маълумотларига қараганда, бир ой 29 кун 12 соат 44 минут 3 секундга тенг. Буни 29,5 кун деб олсак, ҳар ойда 44 минут 3 секунд хато йиғилиб, бир йилда 8 соат 48 минут 36 секунд бўлади. Йил 12 ой десак, 29,5х12=354 кун бўлади. Шундан 6 та тоқ ойлар 30 кунлик, 6 та жуфт ойлар эса 29 кунликдир. Ҳар йилги хато 8 йилда 3 кун ёки 30 йилда 11 кун бўлади. Агар 8 йилни асос қилиб олсак, унинг 2, 5 ва 7 йилларини кабиса, 355 кунлик йиллар деб, қолган 5 йилини оддий – 354 кунлик йиллар деб, ҳар 8 йилда 3 кунлик хато ёки фарқ тузатилади. Қўшимча бир кун 29 кунлик 12 ойга қўшилиб, у ҳам 30 кун бўлади. Бу йил ҳисобини туркча цикл йил ҳисоби дейилади. Агар ҳар 30 йилнинг 2, 5, 7, 10, 13, 16, 18, 21, 24, 26, 29-йилларини 355 кунли кабиса йили десак, йиғиладиган хатолар вақти-вақти билан тўғриланиб бораркан. Буни арабча цикл йил ҳисоби дейилади.

Нима бўлган тақдирда ҳам коинот билан замин оралиғида инсон онги шууридан таралган бир нур орқали боғлиқлик бор. Қуёш чиқади. Заминни иситади. Самовотдаги сайёралар ҳаракати эса бутун борлиқдаги мувозанатни сақлайди. Лекин ҳаёт, тириклик деган тушунчанинг моҳияти ернинг бағри илиқ тортган кез билан белгиланади. Дейлик, осмон чароғон тортди. Заминга уруғ, насиба тушди. Одам боласининг ризқи ерга сочилди. Ана шу ҳолатни ҳаётнинг моҳиятини белгилаган Янги кун, Янги йил, асосан куну туннинг тенг келиши билан изоҳлашган.

Ерга дон сочилиши Наврўздан сўнг удум бўлган. Ҳам табиат, ҳам коинот, ҳам одамзотнинг руҳий тайёргарлигидан сўнг ҳаётнинг бошланиши, аввали сифатида Наврўз шарқ халқлари учун тириклик рамзи сифатида ҳам жуда қадимий ва ардоқли айёмдир.

21 мартни йил боши деб ҳисобланишининг юқорида айтганимиздек, астрономик жиҳатдан ҳам ўзига хос асослари бор. Ҳар қайси тақвим бағрида эса ҳаётийлик мавжуд. Уларда инсоният аждоди ҳаётида энг муҳим, абадийлик тимсолидаги воқеалар ҳақиқати мавжуд бўлади. Биз эса яқинлашиб келаётган боқий байрам – Наврўзни яшариш, шодлик, бир сўз билан тириклик шодиёнаси деб атаймиз. Ва англаймизки, Наврўзнинг йилбошиликка дахлдорлиги эса унинг ёруғлик, ризқ, ҳаёт байрамига ҳамоҳанглиги билан ҳам ўзига хос мазмун касб этади.

**Кўчқор НОРҚОБИЛ**

# ШИРИН КАЛОМ ҲАМ ШИФО

**(Боши 1-бетда)**

Бу йўналишда давлат капитал маблағларидан ташқари, халқаро ташкилотлар ёрдамлари, грантлар ва кредит маблағлари ҳам жалб қилинмоқда. Жумладан, Қорақалпоғистон ҳамда Швейцария ҳукуматлари, "Чегара билмас шифокорлар" ташкилоти билан ҳамкорликда 650 ўринли республика силга қарши курашиш диспансерининг биноси капитал таъмирланди. Шунингдек, Хўжайли, Қораўзак, Тахтакўпир туманларидаги силга қарши курашиш муассасалари иморатлари ҳам таъмирланди. Қораўзак туманида 50 ўринли стационар очилди. Қўнғирот туманидаги силга қарши курашиш диспансери янги иморатга кўчиб ўтди, даволаш ўринлари 20 тага кўпайди.

**-Маълумки, шошилинч ёрдамга муҳтож беморлар, 14 ёшгача бўлган болалар, туғруқ жараёнида тиббий ёрдам кўрсатиш, шунингдек, ижтимоий жиҳатдан ҳимояга муҳтож гуруҳлар, I, II гуруҳ ногиронлари, 1941-45-йиллардаги уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилганлар, якка-ёлғиз пенсионер ва ногиронлар стационар шароитида даволанганда давлат маблағлари ҳисобига дори-дармонлар билан имтиёзли таъминланиш ҳуқуқига эга. Айтингчи, республика даволаш-профилактика муассаларида даволанаётган шундай беморларни дори-дармонлар билан таъминлаш қай даражада, улар етарлими?**

-Тўғри, бюджет маблағлари ҳисобига сотиб олинган, кредит ва инсонпарварлик ёрдами йўли билан келтирилган дори-дармонлар юқорида тилга олинган беморларга берилади. Ажратилган бюджет маблағларига сотиб олинган дори-дармонлар мақсадли равишда имтиёзли гуруҳларга ишлатилса, бу беморларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш учун етарли, деб ҳисоблайман. Чунки шифокор холис ёрдамга ўзини бурчли деб биларкан, даволанувчи дилига ширин тили билан йўл излаши лозим. Қарс икки қўлдан чиққанидек, ҳам забон билан, ҳам дармон билан даволанса, бемор руҳан ва жисмонан соғая боради.

Ўтган йили дори-дармон ва тиббий асбоб-ускуналар сотиб олиш учун давлат маблағи ҳисобидан бир миллиард сўм сарфланди. Бундан ташқари, марказлашган давлат бюджети, кредит маблағлари ва инсонпарварлик ёрдами сифатида келтирилган дори-дармонлар ҳам даволаш-профилактика муассасаларига етказиб берилди. Вазирлик томонидан ажратилган бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш мақсадида кўп касалхоналардаги ички дорихоналарда стерил эритмалар тайёрлаш йўлга қўйилди.

**-Шифохоналарда малакали тиббий ёрдам кўрсатишга тўсиқ бўлаётган муаммолар нималардан иборат?**

-Даволаш-профилактика муассасаларидаги мавжуд асбоб-ускуналарнинг аксарияти 60-80-йилларда келтирилган ва хизмат муддатини ўтаган. Айниқса, туманлар марказий касалхоналаридаги рентген, флюро-аппаратлар, ондоскопия ва ультратовуш текшириш аппаратлари замон талабига жавоб бермайди. Бу борада тегишли тадбирлар асосида иш олиб борилмоқда. Тиббий асбоб-ускуналарни янгилаш бўйича ҳозир Бутунжаҳон банкининг "Саломатлик" лойиҳаси, "Евро-эйд" дастури, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси ёрдамида даволаш-профилактика муассасаларини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш режалаштирилмоқда.

Тизимни шифокор мутахассислар билан таъминлашда ҳам узоқ йиллардан буён муаммолар мавжуд. Айниқса, узоқ қишлоқларда шифокорлар етишмайди. Лимит, квота асосида тиббиёт институтларига қабул қилиш бекор қилиниб, умумий тест синовлари натижасига кўра бу олийгоҳларга асосан шаҳар ва туман марказларида яшовчи абитуриентлар қабул қилинмоқда. Бу – албатта ижобий ҳол. Чунки институтларга билими юқори бўлганлар киради. Мутахассислик дипломига эга бўлгач, шифокорларга эҳтиёж кучли бўлган ҳудудга бориб ишлайдими? Йўқ. Масаланинг оғриқли томони ҳам шунда. Оқибатда йирик шаҳарлар ва туман марказларида малакали мутахассислар эҳтиёждан ортиқ бўлган бир пайтда қишлоқларда етишмайди.

**-Қорақалпоғистондаги экологик мушкул вазият тиббиёт соҳаси ходимлари зиммасига янада масъулият юклаши табиийдир. Шундай эмасми?**

-Албатта. Орол денгизи қуриши ва 2001-2002 йиллардаги сувсизлик асоратлари инсонлар соғлиғига салбий таъсир кўрсатди. Денгизнинг ҳозирги аҳволга келишидек салбий ҳолат ҳукм сурган даврда қишлоқ хўжалигида ишлатилган маъданли ўғитлар, пестицидлар, тузлар чўкмаси бўлган Оролнинг юзаси очилиб қолди. Ҳудудда тез-тез бўлиб турадиган кучли шамол, довуллар ўша хавфли чўкиндиларни ҳавога кўтариб, узоқ-узоқларга тарқалишига сабаб бўлаётир. Натижада аҳоли ўртасида эндокирин, аллергик, қон яратиш тизими, сил касалликларига чалиниш бир неча марта кўпайди. Айниқса, Мўйноқ, Қўнғирот туманлари аҳолиси Орол фожиасидан кўп жабр кўрди. Буни инобатга олиб, "Чегара билмас шифокорлар" халқаро нодавлат ташкилоти билан ҳамкорликда 1998 йилдан эътиборан сил касаллигининг олдини олиш ва даволашга қаратилган Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан маъқуллаган "Дотс" дастурини амалга ошириш бошланди. Мўйноқ, Бўзатов туманларининг чекка овулларида яшовчи аҳоли мутахассислар томонидан ҳар йили тиббий кўрикдан ўтказилмоқда. Аниқланган беморлар амбулатория ва стационар шароитда даволанмоқда.

Бир сўз билан айтганда, ҳудудимиздаги энг кўп учрайдиган касалликлар оғир экологик шароит, ижтимоий етишмовчиликлар оқибатида юзага келган. Чунки инсониятнинг узоқ йиллар давомида табиатга қилган зуғумлари сабабли ушбу фожиа юз берди. Вазиятни мўътадиллаштириш ҳам шу инсонлар қўлида. Демак, биринчи галда биз тиббиёт соҳаси ходимлари бунга масъулмиз.

**-Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур.**

**Суҳбатдош: Ҳамид ЗИЁЕВ.**

## МЕҲРИБОНЛИК УЙЛАРИГА МУРУВВАТ

***Самарқанд шаҳридаги 6 ва 11-меҳрибонлик уйлари барча қулайликларга эга бўлган янги биноларга кўчирилди. Вилоят ва шаҳар ҳокимликлари ҳамда ҳомий ташкилотлар томонидан уларнинг ҳар бирига мурувват ёрдами сифатида 60 миллион сўмлик янги жиҳозлар олиб берилди.***

- Шунингдек, шаҳардаги меҳрибонлик уйларининг ҳар 10 нафар тарбияланувчиси соғлигини мунтазам назорат қилиб бориш ва дори-дармонлар билан бепул таъминлаш масъулиятини тиббиёт муассасалари бош ҳакимлари ҳамда хусусий дорихоналар мутасаддилари зиммаларига олишди, - деди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Маҳмуд Бобоёров. – Бундан ташқари барча меҳрибонлик уйлари мустақиллик йилларида чоп этилган бадиий китоблар, ўқув дарсликлари ва даврий матбуот нашрлари билан таъминланди. Тарбияланувчиларнинг олий ўқув юртлари, коллеж ва лицейлар профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари билан учрашувларини ташкил этдик.

Ота-она меҳрига зор болаларнинг доимий уйига айланиб қолган бундай муассасаларга саховат кўрсатаётган ташкилотлар, тадбиркорлар сони кундан-кунга ортиб бормоқда.Уларнинг беминнат ва беғараз ёрдами билан шаҳардаги 9 ва 10-меҳрибонлик уйлари бинолари ҳам тубдан таъмирланиб, шарт-шароитлари яхшиланди.

## ЖУРНАЛ ТАҚДИМОТИ

***Жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази ва Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Ўзбекистон Миллий маркази томонидан "Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари" журналининг гендер тенглиги масалаларига бағишланган сони тақдимоти ўтказилди.***

Тақдимотда гендер тенглиги ва жамиятда хотин-қизларнинг мавқеини ошириш соҳасида ишловчи олимлар ва мутахассислар, шунингдек давлат тузилмалари ва нодавлат ташкилотлар, сиёсий партиялар вакиллари ва журналистлар қатнашди.

"Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари" журнали 1998 йилдан буён нашр этилади. Журналнинг дастлабки сонларидан бошлабоқ "Аёллар олами", "Хотин-қизлар ва дунё" рукни остида жамиятимизда хотин-қизларнинг тутган ўрни, бу соҳадаги ютуқ ва муаммолар, уларнинг мавқеи билан боғлиқ назарий ва амалий масалалар ёритиб келинмоқда.

"Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари" журналининг мазкур сонида ҳозирги кунда жамиятимизда аёлларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ўрни, бу борадаги фаолиятни янада ривожлантириш тўғрисида ҳикоя қилинади. Унда Республика Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) Сайёра Рашидованинг "Инсон ҳуқуқлари ва гендер жиҳатлар", ЎзФА академиги Раъно Убайдуллаеванинг "Ўзбекистон хотин-қизлари ва жамиятни демократиялаштириш", Нигина Раҳимованинг "Ўзбекистонда бозор муносабатлари шаклланиши шароитларида аёлларни иш билан таъминлаш муаммоси" каби мақолалари, марҳума шоира Зулфиянинг эсдаликлари, рангтасвир устаси А.Маматова ижодига бағишланган мақолалар эълон қилинган.

**"Туркистон-пресс"**

# ҲИНДИСТОН НАЗОКАТИ

***Яқинда Ўзбекистон Бадиий Академияси марказий кўргазмалар саройида "Ҳиндистон ўзбек рассомлари ижодида", деб номланган кўргазма намойиши бўлиб ўтди. Ундан йигирмага яқин рассомнинг ранг-тасвир, графика, иллюстрация ҳамда фото асар йўналишидаги юздан ортиқ асари ўрин олган бўлиб, мазкур ижодий ишлар 1984-2004 йиллар давомида яратилгандир.***

Ҳиндистон дунё халқлари ичида қадим маданиятга эга мамлакатлардан бири саналади. Ҳинд давлатчилиги тарихи ҳам қарийб тўрт минг йилга тенгдир. Осиёнинг жанубидаги ушбу ҳудудда бир нечта дин, турли хил қадриятлар, ўзига хос анъаналар мавжуд бўлиб, улар бугунги кунда ҳам мустақил равишда ривож топиб бормоқда. Бу ерда юзлаб қадимий маданият ўчоқлари бор. Шуниси диққатга сазоворки, Ҳиндистон биз ўзбекларга ҳам бегона эмас, Темурийзода Заҳириддин Бобур ва авлодларининг уч ярим асрлик ҳукмдорлиги даврида мазкур мамлакат ўзгача қиёфа касб этди, бу ерда бузғунчилик, вайрон қилишдан кўра кўпроқ дунё маданиятида "ярқ" этиб кўзга ташланадиган минглаб обидалар бунёд этилди.

Кўргазмадан ўрин олган ҳар битта асардан ҳинд халқининг миллий колорити яққол уфуриб туради. Кишилар устидаги либос, аёлларни безаб турган турфа хил зеб-зийнатлар, ҳинд миллий чолғу асбоблари ва яна бошқа кўплаб "майда-чуйда"ларнинг ранг-тасвир, графика, иллюстрацион асарларга уйғунлик билан сингдирилгани ҳам томошабинга Ҳиндистоннинг ўтмиши, бугунги қиёфаси ҳамда келажаги хусусида яққол тасаввур қилиш имконини беради.

Рассом Игор Гуленконинг тарихий жанрда яратилган "Бахт отлари", "Кришнанинг нурли чўққилари", "Шива Варанаси шаҳри", "Шри Рама Кришна" каби бир қатор асарларида ҳинд халқининг "Рамаяна" ва "Маҳобхорат" сингари дурдона китобларида баён этилган воқеа-ҳодисаларнинг рассомона хаёлот билан матога туширилганини кўриб, ҳақиқий санъатнинг қудрати нечоғлик юксак эканлигининг гувоҳи бўласиз. Унинг, айниқса, "Она Ганга" картинаси кишида борлиқ табиатга алоҳида бир нафис муҳаббат уйғотади, десак янглишмаймиз.

Ҳинд мусиқачиси Сунира-нинг рассом Зебинисо Шарипова мўйқаламига мансуб бўлган ижодий қиёфаси хусусида ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Сочларига оқ оралай бошлаган ҳинд аёлининг миллий чолғуга бош қўйиб тургани, унга меҳр билан тикилиши, торларини чертиб, азоб бергиси келмаётгандек нозик ва узун бармоқлари билан силаётгани томошабинни бефарқ қолдирмайди. Бу асарда борлиқдан кўра кўпроқ йўқлик, яъни руҳиятни очиб беришга эътибор қаратилганки, сиз Сунирани ҳинд мусиқачиси деб эмас, бунёдкор ва айни дамда, меҳрибон куч сифатида тасаввур қиласиз.

**КЎРГАЗМА**

Бахтиёр Назаровнинг фантазия жанрида яратилган "Тожмаҳал" асари чинакам муҳаббатнинг боқий эканлигини кўз-кўз қилиб тургандек... Рассомнинг ўта моҳирлик билан малика Мумтозмаҳалнинг хаёлий қиёфасини оқ мармардан ишланган улуғвор "Тожмаҳал" қасри билан уйғунлаштириб юборгани диққатга сазовордир.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, марҳум санъаткор, Ўзбекистон халқ рассоми Рўзи Чориевнинг маҳобатли ранг-тасвир жанрида ишланган "Ҳиндистонга бағишлов" асари кўргазмага ташриф буюрган томошабинлар тарафидан жуда юксак баҳоланди. Рассом мазкур асарга Ҳиндистоннинг келажаги ўзаро диний низолар орқали эмас, балки ҳамкорлик ва дўстлик муносабатларини йўлга қўйган ҳолда қурилиши лозим, деган ғояни сингдириб, жаҳон ҳамжамиятини ҳам ана шу мақсад атрофида бирлашишга чорлаётгандек туюлади.

Шунингдек, кўргазмадан А.Нурнинг "Муқаддас Ҳиндистон", "Кришна – севги рамзи", Х.Зиёхоновнинг "Афсона", Й.Турсунназаровнинг "Калькутта", А.Мирзаевнинг "Сиғиниш", "Ҳиндистонлик рассом", Д.Корыцеванинг "Донишманд", Ф.Башарованинг графика йўналишидаги "Ҳиндистон назокати" туркуми ҳамда Л.Башарованинг қоғозга акварел билан ишланган "Ҳинд эртакларига иллюстрация" туркум ишлари сингари бир қатор асарлар ҳам ўрин олган. Булар орасида Т.Қўзиевнинг "Оқ буюклик", "Кеч кирмоқда" каби фото асарлари ҳам алоҳида таҳсинга сазовор.

"Минг бор эшитгандан бир бор кўрган яхши", деганларидек, ўзбек рассомларининг Ҳиндистонга бағишланган ижодий кўргазмасини томоша қилишга келганлар қадим маданият ва истиқболли келажакка эга бўлган қардош Ҳиндистон ҳақида етарлича маълумот олдилар десак, адашмаймиз. Ушбу кўргазма санъат халқларни бир-бирига маънавий яқинлаштирадиган, ўзаро дўстлик туйғуларини пайдо қиладиган қудратли куч эканлигини яна бир бор исботлади.

**Ҳасан ТОШХЎЖАЕВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**




## ЖИЗЗАХЛИКЛАР ҒОЛИБ

***Жиззах вилоятидаги Олимпия захиралари коллежида ёшлар ўртасида бокс бўйича республика очиқ чемпионати мусобақалари ўтказилди.***

Ана шу беллашувларда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда барча вилоятлардан ташриф буюрган ёш чарм қўлқоп усталаридан ташқари тожикистонлик боксчилар ҳам иштирок этишди. Мусобақада умумжамоа ҳисобида жиззахликлар биринчи ўринни эгаллашган бўлса, Тошкент вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси жамоаларига эса иккинчи ва учинчи ўринлар насиб этди.

## ХОРИЖЛИКЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

***Олимпия шон-шуҳрати музейида Халқаро кураш ва дзюдо федерациялари раҳбарлари билан Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Комилжон Юсуповнинг мулоқоти уюштирилди.***

Унда кураш ва дзюдони янада ривожлантириш, миллий спорт туримиз курашни олимпия ўйинлари таркибидан жой олишга эришиш чоралари ҳақида ўзаро фикрлашиб олинди.

## ЖАРҚЎРҒОНДА ХАЛҚАРО ТУРНИР

***Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманида Меҳнат Қаҳрамони Норали Боймуродов хотирасига бағишлаб мотопойга мусобақаси уюштирилди.***

Ана шу беллашувларда Тошкент шаҳри ҳамда барча вилоятлардан ташриф буюрган мотопойгачилардан ташқари Қозоғистон, Қирғизистон Республикалари спортчилари ҳам иштирок этишди. Қизиқарли кечган беллашувлар якунида Навоий вилояти мотопойгачилари биринчи ўринга лойиқ, деб топилди.

## ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

***Бухоро вилоятида ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизими муассасалари ўқувчилари ўртасида ташкиллаштирилган "Баркамол авлод" спорт ўйинларининг вилоят босқичи мусобақаларига старт берилди.***

Спортнинг баскетбол тури бўйича уюштирилган баҳсларда эркаклар ўртасида Бухоро нефт ва газ коллежи жамоаси биринчи ўринни қўлга киритган бўлса, қизлар мусобақасида Бухоро қурилиш коллежи жамоасининг қўли баланд келди. Энди ана шу ғолиб жамоалар кейинги босқичда вилоятлари шарафини ҳимоя қилишади.

**Имомали УЛФАТОВ тайёрлади**

## КРАМНИК ҲОЗИРЧА БИРИНЧИ

***Испаниянинг Линарес шаҳрида ўтаётган шоҳмот супертурнирида 11 турдан сўнг Владимир Крамник ягона пешқадам бўлиб олди.***



Венгриялик Петер Леко билан баҳс олиб борган россиялик гроссмейстер рақиби устидан ажойиб ғалабага эришди. Турнинг қолган икки партияси дуранг билан якунланди. Ушбу турнирнинг ўтган йилги ғолиби Веселин Топалов 16 ёшли озарбайжонлик Темур Ражабовни енга олмади. Икки испан шоҳматчилари Алексей Широв ва Франсиско Вальехолар баҳсида ҳам ғолиб аниқланмади. Ўн иккинчи тур олдидан Крамник 6 очко билан қолган рақибларидан ўзиб кетди. Унинг асосий таъқибчилари Леко ва Каспаровлар ҳисобида 5 очкодан бор.

12 турда Крамник-Каспаров, Топалов-Леко, Вальехо-Ражабов жуфтликлари бир-бирига қарши дона сурилишади. Айнан икки россиялик гроссмейстерлар баҳси турнир ғолибини аниқлаб беради.

## ШАРТНОМА УЗАЙТИРИЛДИ

***2002 йилдаги жаҳоннинг энг яхши футболчиси бразилиялик ҳужумчи Рональдо ўзининг клуби билан 2008 йил 30 июнгача шартномасини узайтирди. Энди ҳужумчи "Реал" таркибида яна 4 йил тўп суради.***



Рональдонинг ўзи бу ҳақда фикрини қуйидагича изоҳлади: "Менга "Реал"да ўйнаш ва Мадрид жуда ёқади. Клуб менга қачон шартномани узайтиришни таклиф қилса, мен бажонидил рози бўлавераман".

Бундан ташқари, у "Реал"нинг катта кучга эга жамоа эканлигини ва Испания чемпионатида ғолиб бўлишини ҳам таъкидлаб ўтди. Рональдо ўзининг ютуқлари орасида Чемпионлар лигаси бош соврини йўқлиги ва бу ғалабани "Реал" таркибида қўлга киритиш учун тинмай ҳаракат қилмоқчи эканлигини ҳам яширмади.

## ФЕДЕРЕРНИ ЕНГИШ ОСОНМАС

***Россиялик теннисчи Марат Сафин яна дунёнинг биринчи рақамли ракетка устаси Роже Федерерга тенг кела олмади. Теннисчилар Дубай турнирида бир-бирига қарши кортга тушишди.***




Баҳсни кўтаринки бошлаган Сафин охир-оқибат Федерерни енгишга яна ожизлик қилди. Рақибини жиддий қаршилигига қарамай швейцариялик теннисчи икки сетда ҳам бир хил – 7:6, 7:6 ҳисобида устун келишга муваффақ бўлди.

Эслатиб ўтамиз, бу икки рақиблар Australian Open теннис турнири финалида ҳам дуч келишиб, баҳс Федерернинг ғалабаси билан якунланганди.

## МАЙДОНДА ВАФОТ ЭТДИ

***Киевнинг "Арсенал" футбол клубининг 17 ёшли ярим ҳимоячиси Андрей Павицкий якшанба куни жамоаси билан машғулот ўтказаётиб майдонда вафот этди.***



Андрей 9 мартда 18 ёшга тўларди.

Универсал ярим ҳимоячи сифатида ҳаракат қиладиган Павицкий "Арсенал Киев-2" жамоасида Украина иккинчи лигасида тўп сурарди, янги мавсумда 12 ўйинда клуби шарафини ҳимоя қилишга улгурганди.

Тиббий экспертларнинг хулосасига кўра, футболчи юрак хуружидан вафот этган.

Андрей Киев клубларининг биринчи қурбони эмас, шу йилнинг 7 январида грузиялик 23 ёшли ҳужумчи Шалва Апхазава ҳам майдонда вафот этганди. Унинг ўлимига ҳам юрак хуружи сабаб бўлганди.

**INTERNET хабарлари асосида Ф.АБИЛОВ тайёрлади**

**Газетанинг навбатдаги сони 6 март, шанба куни чиқади.**

Бош муҳаррир ЎТКИР РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Ағитай АДИЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Ғафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Озод ШАРОФИДДИНОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона – 136-58-83 (факс): 133-09-93. (факс): 133-40-87. бош муҳаррир ўринбосарлари – 133-16-27, 133-44-43, котибият - 136-56-30. Ижодий гуруҳлар: 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17; Андижон – 8-374-2-25-32-23; Бухоро – 8-365-22-322-25; Жиззах – 8-372-22-648-72; Навоий – 8-436-22-588-56; Наманган - 8 – 369-43-311-81; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-33-70-57; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-225-41-73; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.

Реклама ва эълонлар бўлими телефони: 133-44-43, 136-58-83.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи: Қ.НОРҚОБИЛОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2003 йил 20 ноябрда № 050 - рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

Буюртма Г-421, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

E-mail: kishlokhayoti@yahoo.com

Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: 21.00 Адади -13470

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 3 4 5 6